

БАХШИЛАР - “БИР АКТЁР ТЕАТРИ” ИЖРО УСЛУБИ АСОСЧИЛАРИ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, “Саҳна ҳаракати ва жисмоний маданият” мустақил кафедрасининг тадқиқотчиси
Дўсанов Раҳимжон Раимкулович

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек бир актёр театри тарихининг ривожланиш жараёнидаги муҳим босқичлар ва унинг актёрлари ижодига назар ташланади. Муаллиф бу соҳа ривожига бахшиларнинг ўрни беқиёс эканлигини илмий манбааларга таянган ҳолда асослайди. Бахшилар ижроси “Бир актёр театри” жанри талабалари асосидаги томоша эканлиги, улар ижро этган дostonлар ўз драматургиясига эга бўлгани хусусида. Шунингдек, мақолада ўзбек бир актёр театри тарихи ва бугуни хусусида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд.

Калит сўзлар. Театр, бахши, актёр, бир актёр театри, фольклор, эпос, қадрият, дoston, якка ижро.

Annotation. This article looks at the important stages in the development of the history of the Uzbek one-actor theater and the work of its actors. The author justifies the incomparable role of the Bakhshis in the development of this field, relying on scientific sources. It is worth noting that the performance of the bakhshis is based on the students of the One Actor Theater genre, and the epics they perform have their own dramaturgy. Also, the article contains important information about the history and present of the Uzbek one-actor theater.

Keywords. Theater, bakshi, actor, one-actor theater, folklore, epic, value, epic, solo performance.

“Айни вақтда ҳозирги глобаллашув даврида, тижорат воситасига айланган “оммавий маданият”, шоу безниснинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган мураккаб замонда, ҳар қандай миллий маданиятнинг булоғи бўлган фольклор санъатига эътибор ва қизиқиш, афсуски, сусайиб

бораётгани ҳам сир эмас. Холбуки, фольклор санъати, таъбир жоиз бўлса бу–инсониятнинг болалик кўшиғидир”.

Бундай кенг миқёсидаги Халқаро фестивалнинг ўтказилишида катта маъно мужассам. Ўзбек бахшилар санъатини давлат миқёсида катта эътибор билан эътироф этилиши бу санъат тури ривожининг кейинги босқичини белгилайди. Қолаверса, ёшларда якка ижорга, бахшилар санъатига бўлган ҳоҳиш ва истакларини яна юксалтиради. “Ўзбекистон – атоқли бахшилар юрти, улар орқали халқимизнинг бой қадриятлари, ўтмиши, орзу ва умидлари ифода этилади. Бахшиларимиз ижро этган дoston ва термаларда халқимизга хос юксак

ватанпарварлик, олийжаноблик, инсонпарварлик, она юртимизга муҳаббат ва садоқат ўз ифодасини топган”.

Демак, халқаро фестивалда ижро этилган ва телевидения орқали ҳаталаб намоиш этилган дostonлар инсонларни, ўсиб келаётган ёш авлодни – жўшқинлантириб, ватанпарварликка, инсонийликка, дўст-биродарликка, ота-онага ва ёрга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилди. Президентимиз таъкидлаганларидек – Эпос қахрамонларининг мардонаворлигини улуғлаб, якка ижро орқали элга етказиш, барча миллатларда бор. Демак, дostonларнинг якка ижроси Ўрта Осиёдаги - ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ бахшилари томонидан, жуда қадим замонлардан ижро этиб келаётган санъат туридир.

Ўзбек фольклор санъатининг таркибий қисми бўлган бахшилар санъати – Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхандарё ва Фарғона водийсида ўзига хос анъаналари ва ижро услуби билан фарқланади. Фарқланишининг сабаби – бахшилар санъати узок ўтмишдан оғиздан – оғизга, кўчиб, маҳаллийлашиб, такомиллашиб, сайқалланиб, устоздан-шогирдга, отадан-болага, бахшидан-бахшига ўтиб келган халқ дурдонаси эканлигидадир.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори филология фанлари доктори, профессор, Иброҳим Жўраевичнинг бахши атамаси батафсил ёритилган катта илмий мақоласи “ЎзДСМИ хабарлари” жўрналида эълон қилинди. Ушбу мақолада бахши сўзига манбаалар асосида жуда батафсил таърифлар келтирилган. Турли лўғатларда ҳар хил таърифлар келтирилган. Жумладан, Ўзбек тилининг изоҳли луғатида – Бахши – *санскритчада - бҳикшу*: будда руҳонийси, донишманди; дуохон; дарвеш маъносини англатган. Халқ кўшиқлари ва дostonларини ёддан куйловчи шоир, оқин. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида, Бахши *мўғулча ва бурятча* - бахша, бағша – устод, маърифатчи, *санскритча*, бҳикшу – қаландар, дарвеш. *Биринчи маъноси* - халқ дostonчиси. Кўшиқ ва дostonларни ёддан куйловчи, айтувчи, авлоддан-авлодга етказувчи санъаткор. *Иккинчи маъноси* - мўғуллар истилоси даврида будда динидаги қаландарларни, Туркманларда уруғ оқсоқолларини ҳам Бахши деб аташган. Тадқиқотчилар маълумотларига кўра – “XVI асрга қадар шоҳ саройларида уйғур котиблари ҳам фаолият кўрсатиб келганлар ва улар бахши деб аталган”. Келтирилган манбаалар бахшиларни дostonни ёддан куйловчи якка ижрочи эканлигини далиллайди. Бахшилар ижросида эса, актёрлик санъатидаги ижро услубини яъни: ижро этилаётган воқеадан аввало ўзининг таъсирланиши; қахрамонлар характерини ифолаш; бу характерларнинг ранг-баранг талқини; характерларни ифодалашда ҳар бир ижрочи овоз имкониятидан фойдаланиб характерга мос бўлган оҳанглардан фойланиш; сингари омилларни кузатиш мумкин. Академик Мамажон Раҳмонов тахминига кўра – эпос, яъни қахрамонлик ҳақидаги асарлар ижрочилиги, Ўрта Осиёда куйидагича бўлган –

“Эпосларнинг театрлашган йўсинда ижро этилиши Ўрта Осиёни араблар истило қилгунигача давом этган. Токи ислом томонидан жонли образ яратиш тақиқлангандан сўнг, уни бир киши – бахши ёки дostonчилар ижро эта бошлаган бўлиши мумкин”.

“Анъанавий театр тарихига назар ташласак, ўзбекларда “бир актёр театри” шакли бахшилар кўлига дўмбира олиб халқ қахрамонларини улуғлай бошлаган кундан бери мавжуд эканлигига амин бўламиз. Чунки, бахши–ўзи шоир, ўзи бастакор, ўзи кўшиқ ижрочиси бўлиб, якка ўзи кечки йиғинни, яъни томошабинларни тонг отгунча “ушлаб” турган. Бу миллий, анъанавий “Бир актёр театри” миз қадимий эканлигини асослайди. Сабаби, бахши дostonни ижро этиш жараёнида “Бир актёр театри” жанрининг талабаларини бажаради. Алпомиш дostonини ижро этаётган бахши бир вақтнинг ўзида Масалан, Закот воқеаси – муаллиф, Бойбўри, Алпомиш (Ҳакимбек), Бойсари, оқсоқол Яртибой каби қахрамонлар номидан куйлайди. Бахши ўзи тўқиган куй ва оҳанглар орқали бу қахрамонлар характери ва обазини ижро этади. Бундай талаб – “Бир актёр театри” жанрининг талабидир.

Бахшилар ижроси ҳам ҳар қайси ҳудудда ўзига хос фарқланади. Самарқанд, Қашқадарё, Сурхандарё бахшилари ёпиқ ички овозда – дўмбира билан якка куйлашса, Хоразм бахшилари очиқ овозда – тор, дотор, буламон, ғижжак, кўшнай каби чолғулар ансамбли уйғунлигида куйланади. Бу ижрода бахши етакчидир. Уларда гармон чалиб куйлаган асл ижрочилар – халфа деб аталади.

Хоразмлик бахшилар ёки халфалар санъати икки услубга бўлинади. Улар – “Эроний” йўлидаги ҳамда “Ширвоний” йўлидаги услублардир. Бахшилар ёки халфалар саргузашт ёки ошиқона дostonларни куйлаганда соз, сўз ва овоз устунлиги, моҳирона ижро услуби ёрқин намоён бўлади. Масалан, саргузашт туркумидаги Гўрўғлида - “Гўрўғлининг туғилиши”, “Гўрўғли ва Базиргон”, “Гўрўғли хирмонда” кабилар бўлса, “Авазхон” туркумидаги ошиқона дostonлар - “Ошиқ ғариб ва Шохсанам”, “Ошиқ Маҳмуд ва Нигорхон”, “Тоҳир ва Зухра”, “Саёдхон ва Ҳамро” каби дostonлардир. Шулар сабаб, Хоразм бахшилари санъатининг асосий қисмини саргузашт ёки ошиқлик дostonларининг кўшиқлари ва куйлари ташкил этади.

Буюк устоз Комилжон Отаниёзовнинг якка ижро санъатига кириб келиши бахшилар ижоди билан боғлиқ. Бу ҳақда устознинг ўзлари шундай фикрларни билдирган – “Дostonни битта куйидан, мен ўнлаб кўшиқлар яратганман”. Демак, Хоразм бахшилари йўналишидаги кўплаб куйлар дostonлардан олинган лавҳалардир. Бунга – “Илғор”, “Туландон”, “Найларман”, “Кўр қиз”, “Эшвой”, “Шоҳ кўчди”, “Раҳм айла”, “Нолиш”, “Ширвоний” ва бошқалар мисол бўлади.

Мазкур санъат дурдоналарини бизгача етиб келишида Хоразм бахшиларининг тутган ўрни бекиёс. Сеёв бахши, Жуманазар бахши, Ёдгор бахши, Буюк бола бахши, Курбонназар Абдулаевлардан сўнг ижод этиб келаётган – Отахон Матёкубов, Норбек бахши Абдуллаев, Матёкуб бахши Абдуллаев, Матёкуб бахши Абдуллаев, Қаландар бахши Норматов, Етмишвой бахши Абдуллаев, Каримбой Отамурадов, Расулбек Абдурахмонов, Очилбек Матчонов ва устозлар таълимини олиб етишиб чиқаётган ёш бахшилар шулар жумласидандир. Улар ижросидаги дostonларда миллат руҳиятининг халқона тарздаги ифодасини кўрамиз.

“Фольклор шундай гўзал санъатки, унда муайян бир халқнинг тарихи, урф-одатлари, мақсади, орзу ҳамда ўйлари жуда нафис ва халқчил тарзда ифодалаб берилади. Қайси бир халқнинг фольклорига ошно бўсангиз, айнан, ушу халқнинг руҳияти, ўзигагина хос бўлган ҳаракатлари сизни мафтун этмай қўймайди. Фольклор - халқ бойлиги. Ўз бойлигини асраб қола олган халқ эса, бахтлидир”.

Ботир Матёкубов ўзининг “Достон наволари” китобида миллий дostonларни мавзу бўйича шартли беш турга бўлади. Улар – баҳодирлик, тарихий, диний, ишқий ҳамда дидактик дostonлардир. Бу турлар якка ижрога бел боғлаб, ҳаракат бошлаганлар учун дostonнинг мавзу ва ғоясини аниқлашда ёрдам беради.

Достонларнинг баҳодирлик ва қахрамонлик турларига - “Широқ”, “Тумарис” ва “Зарина” сингари ботирлик, жасорат тўғрисидаги ривоятлар ҳамда “Алпомиш”, “Тўрўғли”, “Соҳибқирон” каби дostonлар киради. Тарихий дostonларга эса, маълум бир тарихий давр ва йирик шахс ҳаёти билан боғлиқ муҳим аҳамиятга молик воқеалар асосида яратилган – “Искандарнома”, “Шайбонийхон”, “Темурнома”, “Шоҳ Машраб”, “Тошкентнома”, “Самарқанднома” каби дostonлар киради.

Диний мавзудаги дostonларга - “Меърож”, “Кийикнома”, “Амир Ҳамза”, “Иброҳим Адҳам”, “Қул Хўжа Аҳмад” каби ижод намуналари киради.

Ишқий мавзудаги дostonлар сон жиҳатидан салмоқли қисмни ташкил қилиб, ошиқнинг ишқий, муболағали саргузаштлари, эртақнамо афсона ва ривоятлар ёрдамида тасвирланади. Булар - “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Ошиқ Маҳмуд”, “Ошиқ Албанд” ва бошқа дostonлардир.

Дидактик дostonларда, муайян тарихий даврдаги ахлоқий, ижтимоий сиёсий ҳаёт билан узвий боғланган, ахлоқий-тарбиявий воқеалар акс эттирилади. Буларга - “Авазхон”, “Юсуф ва Аҳмад” ҳамда бошқа дostonлар киради.

Достонлар ижросига ўз ижодини бағишлаган бахшилар санъатининг ривожига давлат миқёсида катта аҳамият берилмоқда. 2018 йил 1 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарор ижросини

амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Фанлар академияси ва Сурхандарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида 2018 йилнинг 5-10 апрель кунлари, Сурхандарё вилоятининг Термиз шаҳрида “Биринчи халқаро бахшичилик фестивали” ўтказилди. Фестивалда дунёнинг 74 давлатидан, 160 дан зиёд вакиллар, бахшилар ва ҳайъат аъзолари, халқаро меҳмонлар иштирок этди. Халқаро бахшилар фестивалини ўтказилиши, бу санъат ривожига яна бир босқичдир.

Халқимизнинг ноёб манбааларини бизгача етиб келишига беқиёс ҳисса қўшган бахшилардан энг аввало - бадихагўйлик, сўзамолик, мавзуда кўтарилган вазиятларни тўғри ифодалаш, воқеа ритминини ва муҳитинини ҳис қилиш, томошабин кайфиятига кўтаринки руҳ бериш, матнни маҳорат билан ижро этиш талаб этилади. Бундай талаблар эса, актёрлик санъатига хос

ўлган жиҳатлардир. “Бадиха – импровизация театр санъатининг специфик хусусиятларидан биридир”.

Бахшилар учун зарур бўлган бадихагўйликка изоҳ берсак. Бадиха – тайёргарликсиз, тўсатдан, шароитдан келиб чиқиб, завқ билан ижро қилинган шеър ёки қўшиқ маъносини англатади. Бу атама барча жаҳон халқлари ижодида учрайди. Муайян асарни ижро ёки қайта ижро этган бахшининг, унга киритган ижодий ўзгартишлари ҳам бадихагўйлик дейилади. У ижоднинг соҳа ва жанрлари хусусиятига кўра, ижронинг турли кўринишларида намоён бўлади. Масалан, аскияда - бадиха деганда, аввало, ижодкорлик таъбига эга, сўзга чечан кишиларнинг тайёргарликсиз, тўсатдан, қандайдир ички туғён билан, пайровга хос жозибали сўзларни ўринли ишлатиш тушунилади. “Ҳар қандай бадиха амалий тажриба ва иқтидор билан боғлиқ. Бахшилар, аскиячилар, масхарабозлар, эртакчилар ижросида бу жиҳат ёрқин намоён бўлади. Ҳатто, халқ оғзаки ижоди намуналаридаги айрим мавзуларни бахшилар бадиха асосида ижро этади”.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Қодиров М. Ўзбек театр анъаналари. –Т.: Ғ.Ғулом. 1976.214-Б
2. Матёкубов Б. Достон наволари. –Т.: Илмий нашр, 2009.17-Б.
3. Mamirova, D. T. (2019). SOCIAL FACTORS AND MOTIVATION AS A WAY OF INCREASING ATTRACTING STUDENT YOUTH TO REGULAR ACTIVITIES BY PHYSICAL CULTURE AND MASS SPORTS. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(4), 370-375.
4. Mamirova, D. T. (2019). INFLUENCE OF EASTERN HERITAGE ON THE FORMATION OF PERSONAL DEVELOPMENT. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(6), 430-433.

5. MAMIROVA, D. (2019). ASSOCIATION OF PHYSICAL PREPAREDNESS AND ACTOR MASTERY IN A SINGLE APPROACH DURING FUTURE SPECIALISTS TRAINING. *Culture and Arts of Central Asia*, 9(1), 68-72.
6. Mamirova, D. T. (2019). SOCIAL FACTORS AND MOTIVATION AS A WAY OF INCREASING ATTRACTING STUDENT YOUTH TO REGULAR ACTIVITIES BY PHYSICAL CULTURE AND MASS SPORTS. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(6), 460-465
7. Mamirova, D. T., Abraykulova, N. E., Fazlieva, Z. K., Zokirova, S. M., & Jumaev, S. S. (2022). The Manifestation Of Creative Potential By Integrating Physical Culture And Departments Of The Youth Movement In Uzbekistan. *Journal of Positive School Psychology*, 6(7), 5221-5228.
8. Мамирова, Д. Т. (2021). Физиологические изменения в организме при физических нагрузках и средства восстановления. *Международный инженерный журнал исследований и разработок*, 6(1).
9. Мамирова, Д. Т. (2019). Основы организации и управления массовыми видами спорта в системе непрерывного образования. *Ученые записки университета им. ПФ Лесгафта*, (7 (173)), 113-117.
10. Мамирова, Д. Т. (2021). Национальная методология управления спортивно-массовыми мероприятиями. *Universum: филология и искусствоведение*, (1 (79)), 4-6.
11. Мамирова, Д. Т. (2022). ПРИЧИНЫ ПЕРНАПРЯЖЕНИЯ ФУНКЦИОНАЛЬНОГО СОСТОЯНИЯ У ЗАНИМАЮЩИХСЯ СПОРТОМ ЛЮДЕЙ И МЕТОДЫ РЕШЕНИЯ ПРОБЛЕМЫ. *Journal of new century innovations*, 10(3), 103-108.
12. Мамирова Д. Т. (2021). СОВРЕМЕННЫЙ ПОДХОД ПЛАНИРОВАНИЕ УЧЕБНОГО ЗАНЯТИЯ ПО ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЕ И СПОРТУ. *Академические исследования в области педагогических наук*, 2 (10), 867-870.
13. Мирзиёев Ш. “Халқаро бахшичилик фестивали” очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан / Ўзбекистон овози. –Тошкент, 2019.8 апрель.
14. Муҳаммедова Д. -Т.: ЎзДСМИ хабарлари, - 2019/1(9). 73-Б.
15. Рахмонов М. Ўзбек театри қадимий замонлардан XVIII асрга қадар. Фан,-Т.: 1975.46-Б.
16. Tavakulovna, M. D., Erkinovna, A. N., Kamarbekovna, F. Z., Muratovna, Z. S., & Saidovich, J. S. (2022). Physical education and “union of youth” as an application of creative potential in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 12(6), 430-439.
17. Tavakulovna, M. D., & Kamarbekovna, F. Z. (2021). THE ROLE OF PHYSICAL CULTURE IN PROFESSIONAL APPLIED TRAINING IN THE UNIVERSITIES

OF ARTS AND CULTURE. *International Engineering Journal For Research & Development*, 6(1), 6-6.

18. Tavakulovna, M. D., & Shamshidinovna, N. A. (2022). METHODOLOGY FOR CARRYING OUT THE EDUCATIONAL PROCESS IN PHYSICAL EDUCATION AND SPORT. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(3), 457-459.

19. Tavakulovna, M. D., & Shamshidinovna, N. A. (2022). OECD Principles of Corporate Governance and Well Organized Corporate Governance in Liverpool FC. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 4, 55-58.

20. Tavakulovna, M. D., & Shamshidinovna, N. A. (2022, March). USE OF MULTIMEDIA IN THE TRAINING PROCESS OF YOUNG GRECO-ROMAN WRESTLERS. In *Archive of Conferences* (pp. 32-37).

21. Умаров М. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи. -Т.: Янги аср авлоди, 2009. 315-Б.

22. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2006. 180-Б.

23. Ўзбекистон миллий Энциклопедияси. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 153-Б.

24. Ўзбекистон миллий Энциклопедияси. –Т.: Ўзбекистон иллий энциклопедияси. Б ҳарфи. 19-Б.

25. Шербак А. Граматика староузбекского языка. -М.: Нука, 1962.с-34; Боровсков А.Лексика Среднеазиатского тефсира XII-XIII вв. –М.: Восточной литературы, 1963.С-21.

26. Юлдашев И. “Бахши” сўзи этимологияси.-Т.:ЎзДСМИ хабарлари, 1/(9)2019.3-Б.